

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВ ХАИТОЛИ ХУРСАНОВИЧ**

**БЎЗ ТУПРОҚЛАР МИНТАҚАСИ ШАРОИТИДА ОРГАНИК  
МОДДАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИГА  
ТАБИЙ ВА АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ  
(Тошкент воҳаси мисолида)**

**03.00.13 – «Тупроқшунослик»**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) of  
biological science**

**Каримов Хаитоли Хурсанович**

Бўз тупроклар минтақаси шароитида органик модданинг шаклланиши,  
физик-кимёвий хоссаларига табиий ва антропоген омилларнинг таъсири  
(Тошкент воҳаси мисолида) ..... 3

**Каримов Хаитоли Хурсанович**

Формирование органического вещества в условиях почв сероземной зоны,  
влияние природных и антропогенных факторов на физико-химические  
свойства (на примере Ташкентского оазиса) ..... 21

**Karimov Xaitoli Xursanovich**

Influence of natural and anthropogenic factors on the formation of organic  
matter, physical-chemical properties in conditions of the serozem soils zone (on  
the example of the Tashkent oasis) ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР  
ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВ ХАИТОЛИ ХУРСАНОВИЧ**

**БЎЗ ТУПРОҚЛАР МИНТАҚАСИ ШАРОИТИДА ОРГАНИК  
МОДДАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИГА  
ТАБИИЙ ВА АНТРОПОГЕН ОМИЛЛАРНИНГ ТАЪСИРИ  
(Тошкент воҳаси мисолида)**

**03.00.13 – «Тупроқшунослик»**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида № В2021.1.PhD/В575 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг веб-саҳифасида (www.soil.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тошқўзиев Маруф Мансурович**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Раупова Нодира Бахрамовна**  
биология фанлари доктори, профессор  
Тошкент давлат аграр университети

**Фахрутдинова Машкура Фазлитдиновна**  
биология фанлари номзоди, доцент  
Ўзбекистон Миллий университети

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти ҳузуридаги DSc.25/30.12.2019.Қх/В.43.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2025 йил «11» 03 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100179, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz.

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (81 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100179, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00.

Диссертацияси автореферати 2025 йил «24» 02 кuni тарқатилди.

(2025 йил «24» 02 даги № 3 - рақамли реестр баённомаси)



**Ш.М.Бобомуродов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

**Ж.М.Кузиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, к.х.ф.д.,  
катта илмий ходим

**Н.Ю.Абдурахмонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда «дунё тупроқларининг 33 фоизи эрозия, тупроқ органик моддаларининг йўқолиши, озика моддаларининг камайиши, кислоталаниш, шўрланиш, зичлашиш ва кимёвий ифлосланишлар натижасида ўртача ёки юқори даражада деградацияга учраган»<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам бўз тупроқлар минтақаси шароитидаги тупроқларда органик моддаларнинг шаклланиши, гумусли ҳолати, кимёвий, физик-кимёвий хоссаларига табиий ва антропоген омилларнинг таъсирини ўрганиш орқали тупроқлар ҳолатини яхшилаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда кўриқ, лалми ва суғориладиган тупроқларни табиий ва антропоген омиллар таъсирида деградацияга учраши, яъни тупроқ унумдорлигига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш орқали тупроқ деградациясини олдини олишга қаратилган устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, тоғ ёнбағирлари ва тоғ олди ҳудудларида тарқалган тупроқларда органик модданинг шаклланишига табиий ва антропоген омилларнинг таъсирини тавсифлаш, тупроқларни кимёвий хоссалари бўйича гумусининг таркиби ва гумусли ҳолатини, физик-кимёвий хоссалари бўйича сингдириш сиғими таркибини тадқиқ қилиш орқали улар унумдорлигини сақлаш ва оширишга оид тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда тоғ ёнбағирлари ва тоғ олди ҳудудларида тарқалган тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш, тиклаш ва ошириш ҳамда тупроқларда органик модда шаклланишида табиий ва антропоген омилларнинг салбий таъсирини камайтириш, кимёвий, физик-кимёвий хоссалари ва гумусли ҳолатини яхшилаш борасида кенг миқёсли илмий-амалий тадқиқотлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»да «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баробар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам Тошкент воҳаси бўз тупроқлар минтақаси шароитида органик модданинг шаклланиши ҳамда физик-кимёвий хоссаларига табиий ва антропоген омилларнинг таъсирини тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 10 июндаги ПҚ-277-сон «Ерлар деградациясига қарши курашишнинг самарали тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 20 февралдаги ВМ-97-сон «Қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар

<sup>1</sup> <https://www.fao.org>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ - 60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тупроқларнинг кимёвий, физик-кимёвий хоссалари, гумус ва унинг фракцияли-гуруҳий таркиби, тарқалиш қонуниятлари, ўсимлик қолдиқларини тупроқдаги трансформацияси (ўзгариши)ни тупроқ гумуси ҳосил бўлишига таъсири бўйича изланишлар чет эллик олимлардан Н.Shindo, К.Т.Osman, R.E.Pettit, J.F.Ponge, Н.Insam, Ф.Ю.Гельцер, П.Н.Костичев, Н.П.Ремезев, А.Н.Розанов, М.М.Кононова, Е.П.Лагуновалар ҳамда республикаимиз олимларидан П.Н.Беседин, С.Н.Рыжов, Н.П.Муравьева ва З.Б.Селитренникова, Р.Қўзиев, М.М.Тошқўзиев, И.А.Зиямухамедов, Д.Г.Махмудова, Д.С.Таирбаева, Н.Ким, Н.Р.Шарафутдинова, Д.Атабекова, Ш.М.Бобомуродов, Н.Ю.Абдурахмонов, Н.Б.Раупова, Г.С.Мирхайдарова, М.Ф.Фахрутдинова, Н.И.Шадиева, А.Х.Қораев, О.Г.Карабеков ва бошқалар томонидан олиб борилган. Лекин, тоғ ёнбағирлари ва тоғ олди ҳудудларида тарқалган кўрик, лалми ва суғориладиган тупроқларда органик моддани шаклланиши, физик-кимёвий хоссаларига табиий ва антропоген омилларнинг таъсирини аниқлашга доир тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти илмий-тадқиқот режасининг БВ-А-КХА-2018-238 «Тошкент воҳаси тупроқларининг кимёвий, физик-кимёвий хоссаларини мақбуллаштириш, тупроқ унумдорлигини оширишда биологик деҳқончилик юритишнинг самарали агротехнологияларини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий ҳамда ИЗ-2020112812 «Органик деҳқончиликда экологик соф тупроқ шароити ҳосил қилиш орқали маҳсулот олишга асосланган агротехнология ишлаб чиқиш» (2021-2023 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент воҳаси тоғ ён бағирлари ва тоғ олди ҳудудларида тарқалган тупроқларда органик модданинг шаклланиши, физик-кимёвий хоссаларига табиий ва антропоген омилларнинг таъсирини тавсифлаш ҳамда ушбу тупроқлар гумусининг таркиби, гумусли ҳолатини тадқиқ қилишга доир илмий-амалий ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли геоморфологик районларда шаклланган кўрик, лалми, суғориладиган тўқ тусли ва типик бўз тупроқларнинг морфологик, морфогенетик хусусиятларини тадқиқ қилиш;

ўрганилган тупроқларни кимёвий, физикавий, физик-кимёвий ва агрокимёвий хоссаларининг ҳозирги ҳолатини аниқлаш;

турли шароитда таркиб топган тупроқ типчаларини ҳисобга олган ҳолда уларни гумус миқдори, захираси, гумусни таркибини аниқлаш, гумусли ҳолатини таснифлаш;

асосий тупроқ типчаларида гумус ҳосил бўлишида ўсимлик қолдиқлари трансформациясини тадқиқ қилиш, уларни гумус ҳосил бўлишидаги ўрнини аниқлаш;

танлаб олинган массивларда кўрик, лалми ва суғориладиган тупроқларнинг 1:5000 масштабда қатламида гумус билан таъминланганлик ҳамда гумус захираси картограммаларини тузиш;

танлаб олинган массивлар тупроқлари «Геоботаник тавсифи ва кимёвий таркиби маълумотлар базаси»ни ишлаб чиқиш;

дала тажрибаси тадқиқотлари асосида суғориладиган типик бўз тупроқларда органик модда шаклланишига боғлиқ ҳолда унумдорлигини оширишга доир илмий – амалий ечимлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент воҳаси бўз тупроқлар минтақасида тарқалган кўрик, лалми ва суғориладиган тўқ тусли бўз ҳамда типик бўз тупроқлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** тупроқларнинг умумий кимёвий, физик, физик-кимёвий, агрокимёвий хоссалари, гумуснинг фракцияли-гуруҳий таркиби, гумус миқдори, гумусли ҳолати, ўсимликлар формацияси, органик модда, тупроқ унумдорлиги, гумус миқдори ва захираси картограммалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Изланишлар генетик-географик, литологик-геоморфологик, кимёвий-аналитик, профил ҳамда тупроқшуносликда умумқабул қилинган стандарт услублар бўйича амалга оширилган: тупроқнинг кимёвий таҳлиллари «Руководство по химическому анализу почв» Е.В.Аринюшкина қўлланмаси бўйича, гумусни фракцияли-гуруҳий таркиби-И.В.Тюрин усулида, В.В.Пономорёва, Т.А.Плотникова модификацияси бўйича; тупроқларни гумусли ҳолати М.М.Тошқўзиев услубий кўрсатмаси бўйича; сингдириш сиғими, сингдирилган катионлар таркиби - Пфеффер усулида; ўсимликларни ер устки ва ер ости биомассаси миқдори монолитлар ёрдамида Н.А.Панкова услубида, калит майдонларда ўсимликларни аниқлаш «Полевая геоботаника» қўлланмаси А.А.Юнатов услубида, олинган натижаларнинг математик–статистик таҳлиллари Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услубий қўлланмаси асосида ҳамда дисперсион–статистик таҳлиллари «Microsoft Excel» дастурида бажарилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

лалми ва суғориладиган тўқ тусли бўз ва типик бўз тупроқларнинг 0-30; 0-50 ва 0-100 см қатламларида гумус миқдори ва унинг захирасини ўзлаштириш, суғориш давомийлиги, қиялик экапозициясига боғлиқ эканлиги (шимолий экспозицияда жанубий экспозицияга нисбатан гумус миқдори ва

захираси юқори: лалми < янгидан суғориладиган < эскидан суғориладиган) аниқланган;

Тошкент воҳаси тўқ тусли ва типик бўз тупроқларида органик модданинг гумификация даражаси кўриқ (кучсиз-19,2-19,5), лалми (ўртача-29,7; юқори-32,4) ва суғориладиган (юқори-33,0; жуда юқори-49,4) тупроқлар томон ошган; гумус типи ҳам шу қонуниятга бўйсинган ҳолда, фульватли, фульватли-гуматли ва гуматли-фульватли эканлиги аниқланган;

кўриқ, лалми, суғориладиган тўқ тусли ва типик бўз тупроқларда гумус захираси билан ўсимликлар ер остки фитомассаси ўртасида корреляцион боғлиқлик ( $r=0,97$ ,  $r=0,89$ ,  $r=0,74$ ) ва ( $r=0,93$ ,  $r=0,85$ ,  $r=0,72$ ) кузатилиб, ушбу тупроқларда ўсимлик ер остки қолдиқларининг миқдори юқори ва гумификация даражаси устун бўлиши ҳисобига, уларда гумус захирасини ортиб бориши, гумусли ҳолатини яхшиланиб бориши исботланган;

кўриқ, лалми, суғориладиган тўқ тусли ва типик бўз тупроқларда органик моддани шаклланиши, гумус миқдори, уни таркиби, гумусли ҳолатини ўзгариши табиий ва антропоген омилларга боғлиқлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотларда кўриқ, лалми ва суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларнинг ҳайдов қатлами бўйича 1:5000 масштабда гумус билан таъминланганлик харитограммаси Сойлиқ массивидаги «Рамазон» ва «Сойлиқ ғалла-дон» фермер хўжаликлари учун тузилган;

тадқиқотларда кўриқ, лалми ва суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларнинг ҳайдов қатлами бўйича 1:5000 масштабда гумус захираси харитограммаси Сойлиқ массивидаги «Рамазон» ва «Сойлиқ ғалла-дон» фермер хўжаликлари учун тузилган;

Бўстонлик тумани «Сойлиқ» ва Оҳанганрон тумани А.Навоий номи массивлар тупроқларининг геоботаник тавсифи ва кимёвий таркиби маълумотлар базаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотларда олинган маълумотлар дисперсион–статистик таҳлил қилинганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир–бирига мос келиши, натижалар амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижа ва хулосалар асосланганлиги, натижаларнинг халқаро ва республика илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишонччилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўриқ, лалми ва суғориладиган тўқ тусли ва типик бўз тупроқларда ўсадиган ўсимликлар қоплами жанубий экспозициясига нисбатан шимолий экспозициясида юқори кўрсаткичлар кузатилиб, бунда ҳар иккала типчада ҳам лалми < кўриқ < суғориладиган тупроқлар томон ошиб борганлиги, бунинг натижаларида, гумус захирасини ўсимликлар ер остки фитомассасига корреляцион боғлиқлиги даражаси бўз тупроқлар минтақаси кўриқ, лалми ва суғориладиган тўқ тусли бўз ( $r=0,97$ ,

$r=0,89$ ,  $r=0,74$ ) ҳамда типик бўз тупроқларда ( $r=0,93$ ,  $r=0,85$ ,  $r=0,72$ ) асосан кучли ва ўртача эканлиги, суғориладиган типик бўз тупроқларни органик моддага бойитиш, унумдорлигини ва экинлар ҳосилдорлигини оширишда органик ўғитлар қўллаш орқали органик деҳқончилик юритишнинг илмий асослари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот ҳудудида кўрик, лалми ва суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларнинг 1:5000 масштаби ҳайдов қатламини гумус билан таъминланганлик ва гумус захираси харитограммалари тузилганлиги, «Тошкент вилояти Бўстонлик ва Оҳангарон туманлари тупроқлари геоботаник тавсифи ва кимёвий таркиби маълумотлар базаси» ишлаб чиқилганлиги, суғориладиган типик бўз тупроқларининг унумдорлигини оширишда уни органик моддага бойитишга асос бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўз тупроқлар минтақаси шароитида органик модданинг шаклланиши, физик-кимёвий хоссаларига табиий ва антропоген омилларнинг таъсири бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бўстонлик тумани Сойлик массивидаги «Рамазон» 431,3 гектар ва «Сойлик ғалла-дон» 55,1 гектар фермер хўжалиқларининг лалми ва суғориладиган тупроқларнинг 1:5000 масштаби гумус билан таъминланганлик ҳамда ҳайдов қатламидаги гумус захираси харитограммалари фермер хўжалиқларининг жами 486,4 га ер майдонларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 16 декабрдаги №04/29-06/1491-сон маълумотномаси). Натижада, тупроқларнинг гумус билан таъминланганлик даражаси ва ҳайдов қатламидаги захираларига боғлиқ ҳолда лалми ва суғориладиган ерларни унумдорлигини оширишга қаратилган агротадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда органик деҳқончилик юритиш имконини берган;

суғориладиган типик бўз тупроқларининг кимёвий, физик-кимёвий хоссаларини мақбуллаштириш, тупроқ унумдорлигини оширишда уни органик моддага бойитишга асосланган органик деҳқончилик юритиш агротехнологияси Қибрай тумани ПСУЕАИТИ дала тажриба майдонида 2,2 гектар суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 16 декабрдаги №04/29-06/1491-сон маълумотномаси). Натижада, суғориладиган типик бўз тупроқдаги гумус миқдори 0,131-0,394%, азот 0,02-0,06%, фосфор 0,01-0,04%, калий 0,104-0,222% ҳамда озика элементларининг ҳаракатчан шакллари 1,1-1,2 баробарга ошган ва кузги буғдойдан назорат вариантыга нисбатан 3,8-10,6 ц/га, такрорий мош экинидан 1,5-4,0 ц/га, пахтадан 1,2-2,8 ц/га қўшимча ҳосил олиш имконини берган;

«Тупроқларини геоботаник тавсифи ва кимёвий таркиби маълумотлар базаси» Бўстонлик туманидаги Сойлик ва Оҳангарон туманидаги А.Навоий номли массивларда тадқиқот ўтказилган фермер хўжалиқларининг жами

666,7 га ер майдонларида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 16 декабрдаги № 04/29-06/1491-сон маълумотномаси). Натижада, маълумотларни қайта ишлаш ва тезкор таҳлил қилиш орқали массивларда тарқалган тўқ тусли ва типик бўз тупроқларда ўсимлик қопланишини ҳисобга олган ҳолда органик моддани яхшилаш бўйича чора-тадбирлар қўллаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 8 та, жумладан 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шундан, 1 та дастурий таъминот, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 4 таси республика журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиш ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Республика бўз тупроқлар минтақаси тупроқларини органик моддаси, гумус таркиби, кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларининг ўрганилганлик ҳолати (Адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотлар бўйича хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили келтирилган.

Изланиш натижаларининг таҳлилларига кўра, республикада тарқалган бўз тупроқларни гумусли ҳолати, унинг фракцияли-гуруҳий таркиби, физик-кимёвий хоссаларига доир кўплаб илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Лекин, тупроқларда органик моддани шаклланиши, турли тупроқ-иқлим шароитида тупроқларни хосса-хусусиятларига табиий ва антропоген омилларни таъсири бўйича етарли даражада ўрганилмаганлиги, уни тадқиқ қилиш муҳимлиги ва зарурияти тўғрисида хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳудудининг тупроқ пайдо қилувчи табиий шароитлари, объекти ва қўлланилган услублари**» деб номланган иккинчи бобида ўрганилган ҳудудларни географик ўрни, геологик-геоморфологик тузилиши, рельефи, иқлими, ўсимлик қоплами, тупроқлари,

инсон омилининг таъсири, тадқиқотлар объекти, услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент воҳаси бўз тупроқлар минтақасида тарқалган кўриқ, лалми, янгидан ва эскидан суғориладиган тўқ тусли бўз ҳамда типик бўз тупроқлар танланган. Тадқиқотлар тупроқшуносликда умумқабул қилинган стандарт услублар бўйича амалга оширилган. Изланишларда генетик-географик, литологик-геоморфологик, кимёвий-аналитик ҳамда профил усулларида фойдаланилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тошкент воҳасини тоғ ёнбағри ва тоғ олди ҳудудлари делювиал, пролювиал, аллювиал–пролювиал ётқизикларда, лёсс ва лёссимон она жинсларда ҳосил бўлган, улар хосса-хусусиятлари, экологик-мелиоратив ҳолати ҳамда эрозияланиш даражасига кўра фаркланади.

Диссертациянинг **«Тадқиқот тупроқларининг морфологияси, морфогенетик хусусиятлари, механик таркиби ва умумий физик хоссалари»** деб номланган учинчи бобда ўрганилган табиий ва антропоген омиллар таъсирида шаклланган бўз тупроқларнинг морфологияси, морфогенетик хусусиятлари, механик таркиби, умумий физик хоссаларини органик модда шаклланишидаги ўрни ва уларга антропоген омилларни таъсирга доир маълумотлар ёритилган.

Бобнинг *«Тадқиқот ҳудуди асосий тупроқларининг морфологияси, морфогенетик хусусиятлари»* бўлимида Тошкент воҳаси бўз тупроқлар минтақасида тарқалган кўриқ, лалми, суғориладиган тўқ тусли бўз ҳамда типик бўз тупроқларни морфологик белгилари ва морфогенетик хусусиятларига доир изланишлар натижалари келтирилган.

Бўз тупроқлар минтақасида шаклланган лалми, суғориладиган тўқ тусли бўз ҳамда типик бўз тупроқларни морфологик ва морфогенетик белгиларига доир таснифлардан кўринадики, типик бўз тупроқларда суғориш даврийлигига боғлиқ ҳолда, морфогенетик, морфологик хосса-хусусиятларида фаркланишлари кузатилди. Янгидан суғориладиган типик бўз тупроқларга нисбатан гумусли қатламлар қалинлиги эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларда (80-82 см) юқорилиги аниқланди.

Ушбу бобнинг *«Тадқиқот тупроқларининг механик таркиби, уларни органик модда шаклланишида ўрни»* деб номланган бўлимида воҳа бўз тупроқлари минтақасида тарқалган (кўриқ, лалми ҳамда суғориладиган тўқ тусли ва типик бўз) тупроқларни механик таркибини таҳлиллари, уларни органик модда шаклланишида бевосита боғлиқлиги ва унинг ўрни тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тошкент воҳасининг кўриқ, лалми, суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларининг механик таркиб фракцияларига кўра, асосан ўрта ва оғир кумоқли. Бунда, механик таркиби ўрта ва оғир кумоқли бўлган тупроқлар Бўстонлик тумани ҳудудларида кенг тарқалган, уларнинг юқори қатламларида физик лой миқдори 34,8-49,9%, оғир кумоқли механик таркибли тупроқлар Паркент туманида кенг тарқалган бўлиб, физик лой

миқдори 45,2-50,5 фоизни ташкил этди. Ушбу тупроқлар бошқа ҳудуд тупроқларига нисбатан ил ( $<0,001$ ) заррачалар миқдори юқори (9,6-17,3%) бўлганлиги билан изоҳланди.

Худди шундай типик бўз тупроқларни механик таркиби асосан ўрта кумокли бўлиб, профил бўйлаб бир хилда тақсимланган. Ушбу тупроқларни юқори қатламларида физик лой миқдори 30,3-43,2 фоизни ташкил этди.

Бобнинг «*Тадқиқот тупроқларнинг умумий физик хоссаларига антропоген омилларни таъсири*» деб номланган бўлимида кўрик, лалми ҳамда суғориладиган тўқ тусли ва типик бўз тупроқларни ҳажм ва солиштира оғирлиги, умумий ғоваклигига доир изланиш натижалари келтирилган.

Тошкент воҳаси тўқ тусли бўз тупроқларда ҳажм оғирлиги кўрик  $<$  лалми  $<$  суғориладиган тупроқлар томон кўрсаткичлар (1,30-1,43 г/см<sup>3</sup>) ошиб бориши аниқланди. Худди шундай қонуният типик бўз тупроқларда ҳам кузатилди. Тупроқларни солиштира оғирлиги жуда секин ўзгарадиган хоссалари ҳисобланади, шуни ҳисобига кўрик, лалми ва суғориладиган тўқ тусли бўз ва типик бўз тупроқларда солиштира оғирлиги 2,53-2,67 г/см<sup>3</sup> оралиғида бўлиб, энг юқори кўрсаткич янгидан суғориладиган типик бўз тупроқларда кузатилди.

Диссертациянинг «**Бўз тупроқлар минтақаси кўрик, лалми, суғориладиган тўқ тусли ва типик бўз тупроқларнинг кимёвий, физик-кимёвий хоссалари**» деб номланган тўртинчи бобида кўрик, лалми, суғориладиган тўқ тусли ва типик бўз тупроқларнинг кимёвий ва агрокимёвий хоссалари, сингдириш сиғими ва сингдирилган катионлар таркиби бўйича олинган натижалар асосида илмий ва амалий аҳамиятга эга янги маълумотлар келтирилган.

Бобнинг «*Тупроқларнинг кимёвий ва агрокимёвий хоссалари*» деб номланган бўлимида ўрганилган кўрик, лалми ва суғориладиган тўқ тусли ва типик бўз тупроқлар таркибидаги гумус ва умумий озика элементлари миқдорига доир изланиш натижалари келтирилган.

Тошкент воҳаси кўрик, лалми ва суғориладиган тўқ тусли тупроқларда ўзлаштириш давомийлигига боғлиқ ҳолда, гумус миқдори ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларида мос равишда 3,20-2,13%; 0,910-1,75% оралиғида тебраниб, жуда юқори, юқори ва ўртача, ўртачадан юқори кўрсаткичга тўғри келди. Энг юқори кўрсаткични кўрик тўқ тусли бўз тупроқларда кузатилди. Лалми ва суғориладиган тупроқларда деярли тенг кўрсаткичларда қайд этилди. Тупроқлар профили бўйича умумий азот, фосфор, калий миқдорлари мос равишда 0,036–0,185%, 0,100–0,290%, 0,528-1,372 фоизни ташкил этди. Гумус миқдорига мос ҳолда C:N нисбати тупроқлар профили бўйича 4,6–11,4 бўлиб, жуда юқори ва ўртача даражада азот билан таъминланган.

Типик бўз тупроқларда тўқ тусли бўз тупроқларга нисбатан гумус миқдори бироз паст кўрсаткичда кузатилди. Умумий озика моддалари ҳам шунга мос ҳолда ўзгарган. Гумус миқдори ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларида 2,32-1,56% ва 0,848-1,29% оралиғида тебраниб, юқори, ўртачадан юқори, ўртача ва кам даражада кўрсаткичдадир. Профил бўйича

умумий азот, фосфор, калий миқдорлари мос равишда 0,043–0,190%, 0,180–0,285%, 1,093–1,688 фоизни ташкил этди. Энг юқори кўрсаткичлар кўриқ ва суғориладиган типик бўз тупроқларда кузатилди. Гумус миқдорига мос ҳолда C:N нисбати тупроқлар профили бўйича 6,6–10,7 бўлиб, юқори ва ўртача даражада азот билан таъминланган тупроқ ҳисобланади.

Бобнинг «*Тупроқларнинг айрим физик-кимёвий хоссалари*» деб номланган бўлимида кўриқ, лалми ва суғориладиган тўқ тусли ва типик бўз тупроқларнинг сингдириш сиғими ва сингдирилган катионлар таркибига доир маълумотлар келтирилган.


Ўрганилган тўқ тусли бўз, лалми ва суғориладиган тупроқларда натрийни улуши 1,87–2,39% бўлиб, кўриқ тупроқларда 1,73–1,98 фоизни ташкил этди. Кўриқ тўқ тусли бўз тупроқларнинг устки 0–74 см қатламида кальцийни улуши магнийдан 1,67–1,82 баробар, остки қатламда 2,12 баробар кўп. Шудгор ҳолатдаги эскидан суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлар ва лалми тупроқларни мелкоземли (чанг фракциялари) қатламларида кальцийни улуши магний миқдоридан мос равишда 1,38–1,84; 1,56–1,88 баробар кўп. Дастлабки 80 см ли қатламида кальцийни улуши магнийни улушидан 1,38–1,70 баробар кўп, остки қатламларда деярли тенглиги кузатилди. Бу тупроқларда кальций миқдори устунлик қилгани ҳолда 50,57–58,85%, магнийни миқдори 36,98–45,28 фоизни ташкил этди ва тупроқлар асослар билан тўйинган ҳисобланади. Сингдириш комплексини 87,55–95,85 фоизини кальций ва магний ташкил қилди.

Лёссли ва лёссимон ётқизикларда шаклланган кўриқ, лалми, эскидан ва янгидан суғориладиган типик бўз тупроқларда юқоридаги тўқ тусли бўз тупроқларга нисбатан гумус ва озиқа моддалари биров камлиги кузатилди. Шунингдек, мазкур тупроқларда сингдириш сиғим қобиляти ўртача ва паст даражада эканлиги аниқланди. Ушбу тупроқларда гумус миқдорига боғлиқ ҳолда сингдириш сиғими камайиб бориш қонуниятини кузатилди.

Ушбу бобнинг «*Тупроқларда гумус захирасини ўзгариши*» деб номланган бўлимида кўриқ, лалми ва суғориладиган тўқ тусли ва типик бўз тупроқларида гумус миқдори ва у захирасига доир маълумотлар келтирилган. Бунда, гумус захираси, унинг тупроқ типчалари табиий ва инсон омили таъсирига боғлиқ ҳолда фарқланишлари қайд этилган. Шунингдек, «Сойлик» массивининг тупроқларини ҳайдов қатламида гумус билан таъминланганлик ва унинг захираси бўйича харитограммалари маълумотлар келтирилган. Тадқиқотларда кўриқ, лалми ва суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларнинг 0–30, 0–50 ва 0–100 см ли қатламларида гумус захираси аниқланди. Натижаларига кўра, гумус захираси суғориш давомийлиги, экспозиция ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгариши кузатилди (1-расм).

Бунда шимолий экспозициясида тарқалган кўриқ ва лалми тупроқларни 0–30 см қатламида 105,9–74,4 т/га; 0–50 см да 145,4–118,4 т/га; 0–100 см да 215,7–211,8 т/га ни ташкил этди. Суғориш давомийлиги бўйича янгидан суғориладиган тупроқларда (0–30 см – 69,3–85,2 т/га; 0–50 см – 95–126,2 т/га; 0–100 см – 137,1–164,6 т/га) эскидан суғориладиган тупроқлар (0–30 см – 78,0

т/га; 0-50 см – 112,3 т/га; 0-100 см – 171,5 т/га) томон ошиб бориши кузатилди.



1-расм. Тўқ тусли бўз тупроқларда органик модда (гумус) захирасини қатлам чуқурликлари бўйича ўзгариши, т/га

Ўрганилган тупроқларда органик модда (гумус) миқдори ва унинг захирасини аниқлаш учун «Сойлик» массиви «Рамазон» номли фермер хўжалигида тарқалган кўриқ, лалми ва суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларида жами 431,3 гектар ер майдонида ва «Сойлик Ғалла-дон» фермер хўжалигининг суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларда жами 55,1 гектар майдонида ҳамда массивда тарқалган бошқа фермер хўжаликларида - 89,8 гектар, жами 576,2 гектар ер майдонларининг ҳайдов катлами бўйича гумус билан таъминланганлик ва гумус захираси харитограммалари ишлаб чиқилди.

Таҳлил натижаларига кўра, лалми ва суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлар гумус билан жуда кам таъминланган майдонлар (<0,5%) – 6,3 гектар; кам (0,5 -1,0%) – 2,9 гектар; ўртача (1,0-1,5%) – 92,5 гектар; ўртачадан юқори (1,5-2,0%) – 418,5 гектар; юқори (2,0-3,0%) – 59,1 гектар; жуда юқори (3,0-5,0%) кўрсаткичда бўлган – 1,2 гектар майдонни ташкил этди ва у кўриқ тўқ тусли бўз тупроқларига тўғри келди. Изланишларда жами 576,2 гектар майдонинг 72,6% ерлари ўртачадан юқори, 16 фоизи ўртача ҳамда 10,2% ерлар юқори даражада гумус билан таъминланганлиги аниқланди.

Диссертациянинг «Тупроқларда органик модданинг шаклланишида ўсимлик формациясининг ўрни, гумус таркиби, гумусли ҳолати ва тупроқни органик моддага бойитишга доир тадқиқотлар натижалари» деб номланган бешинчи бобда, тадқиқот тупроқларида тарқалган ўсимликлар формацияси, тупроқ гумуси таркиби ва гумусли ҳолати ҳамда тупроқ унумдорлигини ошириш, уни органик моддага бойитишга доир тажриба тадқиқот натижалари келтирилган.


Бобнинг «Тадқиқот тупроқларида органик моддани шаклланишида ўсимликлар формациясини ўрни» деб номланган бўлимида бўз тупроқлар минтақасида тўқ тусли ва типик бўз тупроқлари тарқалган худудларнинг ўсимликлар формациясини оила, туркум ва турлари аниқланган ҳамда уларнинг тупроқ органик моддасини шаклланишидаги ўрни ёритиб берилган.

Тўқ тусли бўз тупроқлар тарқалган Бўстонлик туманидаги кузатув майдонларида жами 18 оила, 21 туркумга мансуб 47 турдаги ўсимликлар қайд қилинди. Шундан, «Сойлик» массивининг лалми тупроқларида 15 оила, 17 туркумга мансуб 22 тур, А.Темур номли (Чимбойлик) массивининг суғориладиган тупроқларида 9 оила, 11 туркумгага мансуб 18 тур, «Сойлик» (Октош қ.) массивида эса 9 оилага 10 туркумга мансуб 11 турдаги ўсимликлар мавжудлиги аниқланди. Баҳор-ёз мавсумида турлар таркиби ва биомасса ҳиссаси бўйича Роасеае оиласи (6 туркум, 9 тур) ўсимлик жамоаларида мутлақ устунликга эга, бунда антропоген турларнинг улуши сезиларли юқори бўлиши қайд этилди.

Типик бўз тупроқлар тарқалган Оҳангарон туманидаги кузатув майдонларида ўсимлик турлари жами 16 оила, 19 туркумга оид 53 турни ташкил қилди. Юқори биомасса ёғингарчилик микдорига қараб баҳор фаслидан кузгача камайиш тенденциясига эга. Буғдойдошлар, қоқиўтдошлар ва бурчокдошлар оилалари вакиллари тадқиқот ҳудудларида устунликка эга бўлиб, асосан бир ва кўп йиллик ўсимликлардан иборат.

Ўсимликлар қопламида кўп ва бир йиллик ўт-ўсимликлар сонининг кўплиги Ўрта Осиёнинг арид минтақаларига хос хусусиятлардан биридир. Қисқа вегетация даврига эга ўсимликларнинг сон жиҳатдан кўплиги йилнинг иссиқ ярмида ёғингарчиликнинг камлиги билан изоҳланади. Тадқиқот ҳудудларида ўсимликлар қоплами учун антропоген сукцессия жараёнларининг давом этаётганлиги ҳарактерлидир.

Тадқиқот ҳудуди тўқ тусли бўз ва типик бўз тупроқлари ўсимликларининг геоботаник тавсифида юқори кўрсаткичлар жанубий экспозициясига нисбатан шимолий экспозициясида кузатилди (2-расм).



2-расм. Тадқиқот ҳудуди тўқ тусли ва типик бўз тупроқларида ўсимликлар ер усти ва ер ости фитомасса микдори, ц/га


Бунда кўриқ тўқ тусли бўз тупроқларда ер устки фитомассаси - жанубий экспозициясида 34,24 ц/га, шимолий экспозициясида эса 102,5 ц/га, ер остки фитомассаси - 306,7 ва 252,0 ц/га, ер устки / ер остки нисбати 8,9 ва 2,5 ни, умумий фитомасса захираси бўйича 340,3 ва 354,5 ц/га; лалми тўқ тусли бўз тупроқларда ер устки фитомассаси-34,1 ц/га ва 41,5 ц/га, ер остки фитомассаси-113,8 ва 191,0 ц/га, ер устки / ер остки нисбати 3,3 ва 4,8 ни, умумий фитомасса захираси бўйича 147,9 ва 230,6 ц/га; суғориладиган тўқ

тусли бўз тупроқларда ер устки фитомассаси-127,4 ц/га ва 151,0 ц/га, ер остки фитомассаси-394,8 ва 389,1 ц/га, ер устки / ер остки нисбати 3,1 ва 2,6 ни, умумий фитомасса захираси бўйича 522,2 ва 540,1 ц/га ташкил этди.

Ўсимликларининг геоботаник тавсифида тарқалган тупроқлар орасидаги фарқланишлар аниқланди. Бунда, ўсимликларнинг геоботаник тавсиф кўрсаткичлари лалми < кўрик < суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқлар томон ошиб бориши кузатилди. Ўсимликлардан қоладиган биомасса тупроқ гумусининг ҳосил бўлишида асосий манба бўлиб хизмат қилди. Тупроқдаги ўсимликлар биомассасининг юқори бўлиши гумус моддаси билан тупроқ доимий бойиб боришини таъминлаб, тупроқларни хоссаларини яхшиланишига, натижада, эрозиянинг олдини олишига сабаб бўлди. Шунингдек, ўсимликлар яхши ривожланган тупроқ қопламида гумусли қатлам қалинлашади ва ушбу тупроқларни унумдорлигини ошишига сабаб бўлади.

Тадқиқотларда кўрик, лалми ва суғориладиган агрофонлардаги тупроқларда ривожланган ўсимликлар формациясига доир олинган натижалар асосида ўсимликлардан қолаётган қуруқ массасини бевосита тупроқ таркибидаги органик моддани тўпланишига боғлиқлиги кузатилди. Бунда, юқорида аниқланган 0-50 см қатламдаги ўсимликлар ер остки фитомассаси миқдори билан гумус захираси орасидаги корреляцион боғлиқлиги аниқланди (3-расм).

Бўстонлик туманидаги кўрик тўқ тусли бўз тупроқларда ривожланган ўсимликлар ер остки фитомассаси билан ушбу тупроқларни 0-50 см даги гумус захираси орасидаги корреляцион боғлиқлик  $r=0,97$  га тенг, кучли даражада, лалми тўқ тусли бўз тупроқларда ҳам ушбу кўрсаткич  $r=0,89$  бўлиб, кучли даражада ва суғориладиган тўқ тусли бўз тупроқларда  $r=0,74$  тенг бўлган ҳолда боғлиқлик ўртача даражада эканилиги аниқланди. Шундай қонуният Оҳангарон туманидаги типик бўз тупроқларда ҳам кузатилди.



**3-расм. Тадқиқот тупроқлари агрофонда ўсимликлар ер остки фитомассасини гумус захираси билан корреляцион боғлиқлик кўрсаткичларини ўзгариши, r**

Оҳангарон туманидаги кўрик типик бўз тупроқларда ривожланган ўсимликлар ер остки фитомассаси билан ушбу тупроқларни 0-50 см даги гумус захираси орасидаги корреляцион боғлиқлик  $r=0,93$  тенг бўлиб, кучли даражада, лалми типик бўз тупроқларда ҳам ушбу кўрсаткич  $r=0,85$  - кучли

ва суғориладиган типик бўз тупроқларда  $r=0,72$  га тенг бўлган ҳолда боғлиқлик ўртача даражада эканлиги аниқланди.

Бобнинг «Тупроқлар гумусининг фракцияли-гуруҳий таркиби ва гумусли ҳолати» деб номланган бўлимда кўриқ, лалми ва суғориладиган тўқ тусли ва типик бўз тупроқларни органик моддасини гуруҳий ва фракциявий таркиби, гумусли ҳолати ҳамда унинг органик моддалар шаклланишидаги аҳамияти ёритилган.

Бўстонлик туманида тарқалган кўриқ тўқ тусли бўз тупроқларининг гумуси таркибига кўра, гумин кислоталари гуруҳида кальций билан боғланган 2-фракция ва тупроқни лойли (ил) фракцияси ҳамда турғун бир ярим оксидлар билан мустаҳкам боғланган 3-фракциялар устунлик қилган ҳолда 8,59-13,39% ва 10,67-13,90% фоизни, фульвокислоталар гуруҳида кальций билан боғланган 2-фракция миқдори юқори бўлиб, 16,90-24,02 фоизни ташкил этди.

